



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz


2021 йил 11 декабрь, № 264 (8044)

Шанба



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 декабрь куни Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган навбатдаги йиғилишида иштирок этди.



Қозғоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган саммитда Кенгаш Фахрий раиси, Қозғоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин,

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, ЕОИИ хузуридаги кузатувчи мамлакат — Куба Республикаси Президенти

Мигель Бермудес ва Евроосиё иқтисодий комиссияси Хайъати раиси Михаил Мясникович қатнашди. Йиғилиш кун тартибидан ЕОИИ маконида ўзаро манфаатли хамкорликни янада ривожлантириш ва интеграция жара-



ёнларини чуқурлаштириш, жумладан, иқтисодиёт, савдо, sanoat, транспорт, божона маъмуриятчилиги, рақамлаштириш ва бошқа йўналишларда амалий шерикликни кенгайтириш масалалари ўрин олди. Ўзбекистон Президенти ўз нутқининг ав-

валида Қозғоғистоннинг ЕОИИдаги раислиги муваффақиятли бўлгани ва унинг ташаббуси билан Бирлашма доирасида муҳим қарорлар қабул қилинганини таъкидлаб, Қозғоғистон мамлакатимиз ва Ташкилот ўртасидаги конструктив хамкорликни

мустақамлашга қаратилган қўшма тадбирларни қўллаб-қувватлаганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

**Хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич! Хурматли Нурсултон Абишевич! Хурматли делегациялар раҳбарлари!**

Олий Евроосиё иқтисодий кенгаши навбатдаги йиғилишининг барча иштирокчиларини қутлашдан бағоят мамнунман. Хамкасбларимизнинг сўзларига қўшилган ҳолда, Қозғоғистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқидаги муваффақиятли раислигини қайд этмоқчиман.

Қозғоғистонлик хамкорларимиз ташаббуси билан Бирлашма доирасидаги кўп қиррали шерикликни кенгайтиришга хизмат қилган муҳим қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи ўртасидаги конструктив хамкорликни мустақамлашга қаратилган қўшма тадбирлар қўллаб-қувватлангани учун алоҳида миннатдорлик билдирман.

**Хурматли хамкасблар!**

Ўзбекистон Республикаси Евроосиё иқтисодий кенгашига кузатувчи сифатида қўшилганига роғпароса бир йил бўлди.

Ўтган даврда биз узоқ муддатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун мустақам замин яратдик.

Евроосиё иқтисодий комиссияси билан тизимли ва самарали иш йўлга қўйилди.

Меморандум ва уч йиллик аниқ Чора-тадбирлар режаси амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқининг бошқа органлари ишида ҳам фаол қатнашмоқда.

Биз миллий қонунчиликни Евроосиё иқтисодий иттифоқи нормалари билан, биринчи навбатда, стандартлаштириш ва ташқи савдонотиари тартибига солиш чоралари соҳасида яқинлаштириш масаласида изчил ҳаракат қилмоқдамиз.

Юртимиз "COVIDсиз саёҳат қиламан" рақамли платформасига уланди. Ўзбекистоннинг Евроосиё тараққиёт банкига қўшилиш жараёни бошланди.

Бугунги давр қийинчиликларига қарамай, мураккаб шароитларга мослашиш ва янги "Усиш нуқталари"ни излаб топишга муваффақ бўляймиз.

Хусусан, Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси жорий йилнинг 11 ойида 30 фоизга ортди.

Айни пайтда пандемиядан аввалги 2019 йил билан таққослаганда, Бирлашма мамлакатлари билан ўзаро савдомиз 11 фоизга ошди.

**Хурматли йиғилиш иштирокчилари!**

Ўзбекистон Ташкилотимизга аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларда ижобий суръатни сақлаб қолиш ва уларни барқарор ривожлантириш бўйича ўзаро келишилган чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши тарафдоридир.

Шу муносабат билан қўшма қарорлар қабул қилишни тақозо этаётган энг долзарб вазифаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчи.** Ўзаро савдодаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этишни давом эттириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари

билан товар айирбошлашни кўпайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги ёндашув ва механизмларни биргаликда ишлаб чиқишга тайёрмиз.

Техник тартибга солиш нормалари, санитария, фитосанитария ва ветеринария талабларини уйғунлаштириш ишларини давом эттирмоқдамиз.

Бу борада Евроосиё иқтисодий комиссияси билан биргаликда алоҳида "Йул харитаси"ни келишиш жараёнини яқунлаяпмиз.

**Иккинчи.** Аввалги саммитда ҳануз савдо кооперациясини чуқурлаштириш муҳим экани ҳақида аниқ сўз юритилди.

Бугун ушбу йўналишдаги ишларимиз иштирокчи давлатлар билан кўпроқ икки томонлама асосда олиб боришмоқда.

Биз Россия, Қозғоғистон, Беларусь ва Қирғизистон билан савдо кооперациясини мустақамлаш бўйича "Йул харитаси"ларини қабул қилганимиз ва изчил амалга оширяпмиз.

Бирлашма билан тегишли хамкорликни тизимли асосда ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, Евроосиё иқтисодий кенгашининг Индуриаллаштириш онлайн харитасини яратишда иштирок этишга тайёрмиз.

**Учинчи.** Янги транспорт йўлақларини барпо этиш лойиҳаларини илгари суриб мамлакатларимиз транзит салоҳиятини ошириш борасидаги биргаликдаги ишларга қўшимча суръат бағишлайди.

Ўзбекистоннинг бугун имзоланётган битимга мувофиқ амалга ошириладиган юк ташишларни

кузатиш учун навигация тамгаларини жорий этиш бўйича дастурга қўшилиш имкониятини кўриб чиқмоқдамиз.

Евроосиё иқтисодий иттифоқининг Логистика занжирларини ривожлантиришнинг рақамли экотизимини яратиш тўғрисидаги янги ташаббус ҳам бизда қизиқиш уйғотмоқда.

**Тўртинчи.** Глобал иқлим кун тартибиди хисобга олиб, аъзо ва кузатувчи давлатларнинг "яшил энергетика" лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги сай-ҳаракатларини бирлаштириш муҳимдир.

Шу муносабат билан, ҳозиргина Владимир Владимирович айтган Юқори даражадаги ишчи гуруҳга қўшилишга тайёрмиз ҳамда унинг доирасида "яшил" тараққиёт соҳасидаги қўшма Чора-тадбирлар режасини тақдирлаш тақдир этамиз.

**Бешинчи.** Рақамли иқтисодиётга ўтиш, инновациялар ва илгор IT-ечимларни кенг жорий қилиш мамлакатларимиз рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бу борада билим, тажриба ва илгор технологиялар алмашини, мамлакатларимиз IT-парклари ва марказлари ўртасида тизимли хамкорликни ривожлантириш, соҳада ишбилармонлар шериклигини кенгайтириш мақсадида навбатдаги Евроосиё рақамли форумини Ўзбекистонда ўтказишни тақдир этамиз.

**Олтинчи.** Евроосиё маконидаги муҳим ишбилармонлик ташаббуслари ва дастурларини амалга оширишга кузатувчи давлатларни янада фаол жалб этиш юзасидан ўзаро келишилган тақдирлар

тайёрлаш, илмий-техник ва гуманитар алмашинувни рағбатлантириш мақсадида Евроосиё иқтисодий иттифоқи Тараққиёт маркази имкониятларидан самарали фойдаланиш ниятидамиз.

Бунинг учун марказ негизда мамлакатларимиз тараққиёт институтларининг фаол иштирокида ўзаро манфаатли хамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича туркум тадбирлар ўтказишни тақдир этамиз.

**Еттинчи.** Иқтисодий интеграция мақсадидадан келиб чиқиб, кузатувчи мамлакатларнинг Евроосиё иқтисодий комиссияси Кенгаши ва органлари ишида иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришни истардик.

Бу хамкорлик самарадорлигини ошириш ва қўшма қарорларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Хурматли хамкасблар!** Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли хамкорликни чуқурлаштиришнинг қатъий тарафдори эканини яна бир бор тақдирлайман.

Сўзим якунида Евроосиё иқтисодий иттифоқи раислик Қирғизистонга ўтгани муносабати билан Қирғиз Республикаси Президенти, хурматли Садир Нурғожоевич Жапаровга катта муваффақиятлар тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, хурматли дўстлар, сизларни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан тақдирлайман, мустақам соғлиқ, фаровонлик ва ўз олднингизга қўйган мақсадларнинг рўёбини тилайман.

Этиборингиз учун раҳмат.

## ЭНДОКРИНОЛОГИЯ СОҲАСИДА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 10 декабрь куни эндокринология хизматини такомиллаштириш ва қамровини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Эндокринология инсон саломатлигини, ҳаёт сифатини таъминлашда энг муҳим соҳалардан бири. Сўнгги йилларда эндокринология соҳасини такомиллаштиришга қаратилган алоҳида дастур амалга оширилди.

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг 14 та филиали моддий-техник базаси мустақамланди. Бу филиалларда махсус бўлимлар ташкил этилгани боис республика марказига мурожаатлар 2 баробарга камайди. Яъни қарийб 5 минг нафар фуқаронинг оворағарчилиги ва ортикача харажатларини олди олинди. Ҳар йили 80 минг нафар бемор инсулин билан бепул таъминланмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси йод етишмайдиган худудда яшайди. Оқибатда қалқонсизлик без касаллиги кўп учрайди. Сўнгги беш йилда эндокрин касалликлар 20 фоизга ортиб, ёшлар орасида ҳам кўпайган.

Умуман, ўтказилган хатловлар натижасига кўра юртимиз бўйича 2 миллион аҳолининг 6 фоизига бу каби касалликлар аниқланган. Туманларда қонни таҳлил қилишга шароит ва мутахассислар етишмаслиги оқибатида касалликнинг оғир асоратлари бўлган кўз, буйрак ва тўпиқ касалликлари бўйича пойтахтга мурожаатлар ошган.

Шу боис йиғилишда соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш, эндокрин касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш, аиниқса, бирламчи бўлини яқинлаш масалалари муҳокама қилинди.

— Эндокрин касалликларини бирламчи бўлини эрта аниқлаш учун мураккаб ускуналар харид қилиш шарт эмас. Лабораторияларни жиҳозлаш, зарур реактивлар билан таъминлаш ва нафақат эндокринолог, балки оилавий шифокорларни ҳам тайёрлаш катта самара беради, — деди Президент.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» МАССИВЛАРИНИ ҚУРИШ ВА ХУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Аҳолининг уй-жой шароитини яқинлаш, худудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилишини жадаллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнларини ривожлантириш мақсадида:

1. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва кам-

бағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг туман (шаҳар) марказларига яқин ва уй-жойга талаб юқори бўлган худудларда Фарғона вилояти Бағдод туманида барпо этилган "Мурувват" массиви намунаси асосида "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш тўғрисидаги тақдирлар маълумлансин.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ОРҚАЛИ АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ОИД Қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, аҳолининг уй-жойга бўлган юқори талабини қондириш, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тақдим этиш ишларини давом эттириш, хусусий пудрат ташкилотларини замонавий кўп қаватли уйлар қурилишга кенг жалб этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-32-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН МУҲАНДИС КАДРЛАРИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛАШТИРИШ АСОСИДА ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Кейинги йилларда чекланган сув захираларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги ерлари биофондини тиклаш, шўрланган ва эрозияга учраган майдонларни қайта фойдаланишга кириштириш, экотизимлар биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, "яшил энергетика" ва агротехнологиялар каби муҳим йўналишларда таълим, илмий тадқиқот ва ишланмалар трансферини самарали йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Бундай долзарб глобал муаммоларни ечиш учун инвестициялар ва илмий тадқиқотларни кенгайтириш, рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали илмий салоҳиятни янги босқичга кўтариш ҳамда ишланмалар амалиётда қўллашга қодир бўлган муҳандисларни тайёрлаш масалалари устувор аҳамият касб этади.

(Давоми 3-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» МАССИВЛАРИНИ ҚУРИШ ВА ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

**2022 йилда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивларининг манзилли рўйхати** 1–иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, “Янги Ўзбекистон” массивларида кўп қаватли уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникацияси, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объеклари комплекс тарзда қурилади. Бунда:

кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш ости ер участкалари тadbиркорлик субъектларига **электрон онлайн-аукцион** орқали **ижара ҳуқуқи** асосида реализация қилинади;

кўп қаватли уй-жойларга **туташ ер участкалари** уй-жой қуриб битказилганидан кейин маҳаллий ижроия ҳокимлик органининг тегишли қарори билан кўп қаватли уй-жой мулкдорларига **доимий фойдаланиш** ҳуқуқи асосида ажратиб берилади;

массивларда ташкил этиладиган ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш учун ер участкалари тadbиркорлик субъектларига белгиланган тартибда **электрон онлайн-аукцион орқали мулк ва ижара ҳуқуқлари асосида реализация қилинади**;

**электрон онлайн-аукционда** **ғолиб** деб топилган тadbиркорлик субъектларига кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун **“ССС” ва ундан юқори рейтингга** эга бўлган қурилиш ташкилотларини жалб қилишга рўхсат этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ–5087-сон қарорига мувофиқ халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқини электрон онлайн-аукционга қўйишда ер участкасининг **бошлангч нархини 50 фоизгача камайтириш** ваколати берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. “Янги Ўзбекистон” массивларида ташқи муҳандислик-транспорт коммуникациялари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини қуришда қуйидагилар:

а) **буртмачи этиб:**

**массивларнинг қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларини қуриш бўйича** — тегишлигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари ҳамда “Янги Андижон” шаҳрида объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси” ДУК; **автомобиль йўлларини** қуриш бўйича — Автомобиль йўллари кўмитаси;

**иситиш қозонхоналари ва иссиқлик тармоқларини** қуриш бўйича — Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

**ичимлик ва оқова сув** таъминоти тармоқларини қуриш бўйича — “Усувтаъминот” АЖ;

**электр ва газ** таъминоти тармоқларини қуриш бўйича — “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖ;

**алоқа** тармоқларини қуриш бўйича — “Ўзбектелеком” АЖ белгилансин.

б) массивларни **қуриш лойиҳаларини** ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳачи этиб “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ,

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» МАССИВЛАРИНИ ҚУРИШ ВА ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

“ЎшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “ТошуйжойЛИТИ” АЖ ва “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК белгилансин;

в) ташқи муҳандислик-транспорт коммуникациялари ҳамда ижтимоий соҳа объектлари қурилишини амалга оширувчи пудрат ташкилотлари давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилика мувофиқ аниқлансин.

4. Белгилансинки, “Янги Ўзбекистон” массивларида қуйидаги ишлар:

**массивларни қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ташқи автомобиль йўллари, ичимлик ва оқова сув таъминоти тармоқларини** қуриш — Давлат бюджети маблағлари, худудларда ташкил этиладиган тadbиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

**ташқи электр ва газ таъминоти тармоқларини** қуриш — “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва “Худудгазтаъминот” АЖларнинг ўз маблағлари ҳамда асосланган ҳисоб-китобларга кўра Давлат бюджететидан ажратиладиган қисқа муддатли физилзи ссудалар ҳисобидан;

**кўп қаватли уй-жойларни** қуриш — тadbиркорлик субъектларининг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

**худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзор-лаштириш** ишларини бажариш — маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

**ижтимоий соҳа объектлари** (мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, тиббиёт пунктлари, иситиш қозонхоналари ва бошқаларни) қуриш — Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бунда, ижтимоий соҳа объектлари давлат-хусусий шериклик асосида қурилганда, ушбу ишлар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ бажарилади.

5. Молия вазирлиги (Ишметов) 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ўзлаштирилмаган 300 миллиард сўм миқдоридаги маблағларни тенг улушларда Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш мақсадида жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказсин.

6. Ушбу Фармоннинг 2-илоvasида кўрсатилган қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган паст рентабелли 489 гектар ер майдонлари “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш учун қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан тегишинча **аҳоли пунктларининг ерлари ҳамда саноат мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилсин**.

Белгилаб қўйилсинки:

қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларинини мазкур Фармонга мувофиқ олиб қўйиш сабабли қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқариши нобудғарчиликлари ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари ундирилмайди;

ушбу ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳўкимлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

вилоятлар ҳокимликлари қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкалари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида **2023 йил 1 январга** қадар ушбу Фармон билан тоифаси ўзгараётган суғориладиган ер участкалари майдонининг **беш баварари** миқдорда янги ерлар ўзлаштирилишини таъминласин. Бунда қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган янги ер участкалари Кадастр агентлиги томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олинганидан сўнг ўзлаштирилган ҳисобланади.

Кадастр агентлиги (Умаров) Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ходжаев) билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари томонидан қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган янги ер участкалари ўз вақтида ва белгиланган миқдорда **ўзлаштирилишини қатъий назорат қилсин**.

7. Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг “Янги Ўзбекистон” массивлари билан биргаликда **олдинги йилларда барпо этилган массивларнинг** бўш турган ер участкаларидда ҳам уй-жойларни қуришни давом эттириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Вазирлар Маҳамаси Қурилиш вазирлиги (Зокиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифларига асосан **бир ой мuddатда** олдинги йилларда барпо этилган массивларнинг бўш турган ер участкаларида ва уй-жойга талаб юқори бўлган бошқа худудларда қуриладиган уй-жойларнинг манзилли рўйхатини ва қурилиш параметрларини тасдиқласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тасдиқланган манзилли рўйхат асосида уй-жой қуриш учун ер участкаларининг белгиланган тартибда электрон онлайн-аукционга чиқарилишини таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари **бир ой мuddатда** “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларда қурилиш ишларини ташкил этишга “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ ҳамда “Ўшаҳар қурилиш инвест” ИК МЧЖларни жалб қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳамасига киритсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **икки ой мuddатда** 2022 йилда “Янги Ўзбекистон” массивларига туташ ва яқин худудларда ташкил этиладиган кичик саноат зоналари ва технопарклар рўйхатини тасдиқласин.

10. Қурилиш вазирлиги (Закиров):

а) **2022 йил 1 июнга** қадар 2023 — 2026 йилларда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивларининг манзилли рўйхатини шакллантирсин ва Вазирлар Маҳамасига тасдиқлаш учун киритсин;

б) **бир ой мuddатда:**

“Янги Ўзбекистон” массивларида қуриш учун таклиф этиладиган кўп қаватли уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва лойиҳа ечимларини ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштирсин; кўп қаватли уй-жойлар қурилишида энергия тежамкор материаллардан фойдаланишни назарда тутувчи талабларни ишлаб чиқсин ва уларнинг шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилишини таъминласин;

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИГА АСОСЛАНГАН ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ОРҚАЛИ АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

1. Белгилансинки, **2021 йил 20 декабрдан** бошлаб бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш тартиби доирасида:

даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга Давлат бюджетидан субсидиялар тўлашда кварта-рира майдонининг энг кўп меъёрини **белгилаш амалиёти бекор қилинади**;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги томонидан ҳар йили бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори ва дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия миқдори тасдиқланади;

субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани олган шахслар ипотека кредити бўйича бошлангч бадалнинг **уй-жой қийматининг камида 5 фоизгача тенг бўлган қисмини** ўз маблағлари ҳисобидан шакллантиради;

сотиб олиннадиган **квартира жойлашуви, қиймати ва майдонидан** қатъи назар, дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — **қатъий белгиланган 32 миллион сўм миқдорида**, фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — биринчи беш йил давомида **10 фоизлик пунктдан** ошган қисмига тўланади;

дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар сотиб олинаётган квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан **ошган тақдирда ҳам тўланади**. Бунда, сотиб олиннадиган квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда, қийматнинг қолган қисми қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан **дастлабки бадал суммасини ошириш орқали** тўланади;

фуқароларга ипотека кредитини олишда, биргаликда қарз олувчи сифатида улар билан **бирга яшамаетган ва яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахсларни** ҳам жалб қилиш ҳуқуқи берилади;

Молия вазирлигининг ресурслари тижорат банкларига тўқридан-тўри ёки “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ орқали жойлаштирилади;

тижорат банкларига қарз олувчи томонидан тўланган дастлабки бадал миқдори, унинг қарз юки кўрсаткичи, имтиёзли давр мuddати ва бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқиб, субсидиясиз ажратилган ипотека кредитлари бўйича табақалаштирилган фоиз ставкаларини ўрнатish ҳуқуқи берилади.

2. Қуйидагилар:

**2022 йилда** **квартиралар сотиб олиш ва яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш ҳамда реконструкция қилиш учун ипотека кредитлари ажратишининг мақсадли кўрсаткичлари** 1-иловага мувофиқ;

**2022 йилда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишининг мақсадли кўрсаткичлари** 2-иловага мувофиқ;

**2022 йил учун бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори ва дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун қатъий белгиланган субсидия миқдори** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ушбу Фармон билан тегишли худуд учун белгиланган ипотека кредитлари ва субсидиялар сонини оширишга рўхсат берилсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича ўтказилган электрон онлайн-аукцион ғолиблирига лот қийматининг **30 фоизини** аукцион яқунланган кундан бошлаб **беш иш кунидан** кечиктирмай, қолган қисмини **12 ой давомида** тенг миқдорда физсиз бўлиб-булиб тўлаш ҳуқуқи берилади;

б) **2022 йил 1 январдан** бошлаб пудрат ташкилотларига давлат рўйхатидан ўтказилган қурилиши тугалланмаган, том ёпиш ишлари бажарилган кўп квартирли уй-жойларни кредит таъминоти сифатида **гаровга тақдим этишга** рўхсат этилади;

в) **2023 йил 1 январга** қадар:
цемент махсулоти (ТИФ ТН коди 2523) ва энергия тежамкор базальт қопламалари (ТИФ ТН коди 6806 1000 08) импортида **божхона божининг** ноль ставкаси қўлланилади;

“Янги Ўзбекистон” массивларида, шунингдек, олдинги йилларда барпо этилган массивларда ва уларнинг бўш турган ер участкаларида уй-жой қурувчи ташкилотлар учун цемент ҳамда металл прокатини сотиш бўйича **алоҳида биржа савдо секцияси** жорий қилинади;

г) **2024 йил 1 январга** қадар рўйхати 4-иловада кўрсатилган янги қурилиш ва махус техникалар ҳамда юк ташти транспорт воситалари импортида **божхона божи** ва **утилизация йиғимларини** ноль ставкаси қўлланилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4701-сон қарори билан жорий этилган хусусий пудрат ташкилотларининг тижорат банкларидан олган кредитлари бўйича Тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кафилилик ва компенсация тўлаш тартиби **2022 йил 31 декабрга қадар узайтирилсин**.

Белгилаб қўйилсинки, кафилилик ва компенсациялар Тошкент шаҳрида — **9 ва ундан юқори**, бошқа шаҳарларда — **7 ва ундан юқори**, қишлоқ жойларда — **5 ва ундан юқори** қаватли уй-жой қурилиши учун ажратилган ва битта уй-жой учун кредитнинг **10 миллиард** сўмдан ортқ бўлмаган қисми бўйича берилади.

Бунда кафилилик ва компенсациялар қурилаётган кўп қаватли уй-жойдаги жами квартиралар сонининг камида **70 фоизи** майдони **70 квадрат метрдан ошмаган** квартиралар ташкил этганда берилadi.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2021 йилда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишининг мақсадли параметрлари доирасида:

субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани олиш бўйича аризалар **2021 йил 20 декабргача** қабул қилинади ва **2021 йил 25 декабргача** кўриб чиқилади;

субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномалар улар берилган вақтдан бошлаб **12 ой давомида** амал қилади;

субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани олган шахсларга ипотека кредитлари ва субсидиялар **2021 йил 10 декабрга қадар амалда бўлган** шартлар ва миқдорларда ажратилади;

субсидиялар сотиб олинаётган квартиранинг майдони ва нархи 2021 йил учун ўрнатилган квартира майдонининг энг кўп меъёри ва уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан **ошган тақдирда ҳам** тўланади. Бунда, сотиб олиннадиган квартиранинг нархи уй-жойнинг ҳисобланган қийматидан оқиб кетган тақдирда, қийматнинг қолган қисми қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўланади;

б) 2022 йил учун ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишининг мақсадли параметрлари доирасида аризалар **2021 йил 25 декабрдан** бошлаб қабул қилинади.

6. Молия вазирлиги (Ишметов) Марказий банк (Нурмуратов) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) билан биргаликда **2022 йил 1 июлга** қадар илғор ҳорижий тажрибани ўрганган ҳолда, **“мақсадли ипотека омонати”** механизмини жорий қилиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳамасига киритсин.

7. 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан **бирламчи ва иккиламчи** уй-жой бозорига 5-иловага мувофиқ **1 000 та квартира сотиб олиш чораларини кўрсин**.

Белгилансинки, мазкур бандга мувофиқ сотиб олинган квартиралар уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож бўлган **хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган шахслар, етим болалар ва ота-она қарамагондан маҳрум бўлган болаларга** белгиланган тартибда ажратилади.

8. Қурилиш вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлигининг 2022 йилда фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун **4 000 та** квартирадан иборат бўлган кўп қаватли уй-жойлар қуриш ва ушбу ишлар бўйича буртмачи этиб “Ўшаҳар қурилиш инвест” ИК МЧЖни белгилаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Вазирлар Маҳамаси **бир ой мuddатда** 2022 йилда фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун кўп қаватли уй-жойлар

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига кўп қаватли уй-жойларнинг ертўлаларини фойдали майдон сифатида ишлатиш бўйича тегишли ўзгартриш киритилишини таъминласин;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кўп қаватли уй-жойларни лойиҳалаш ва қуришда белгиланган қурилиш нормалари ва қоидаларига, қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишларини бажариш сифатига қатъий риоя этилиши бўйича ташкилий-техник тadbирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

г) тadbиркорлик субъектлари томонидан кўп қаватли уй-жойларни қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари қонунчиликда белгиланган мuddатларда тайёрланиши, келишилиши ва қурилиш ишлари бошланишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Кўчимов) Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун ва моҳияти оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминласин.

12. Қурилиш вазирлиги (Закиров) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) билан биргаликда **бир ой мuddатда** уй-жой қурилиш кластерларини ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳамасига киритсин.

13. Бош прокуратура (Юлдашев) “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилишида нархларнинг асоссиз оширилиши, рақобат тўғрисидаги қонунчилик бузилиши ҳамда тасдиқланган лойиҳаларнинг ўзбoшимчалик билан ўзгартрилишига йўл қўймаслик устидан таъсирчан назорат ўрнатсин.

14. Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Д.К.Адиловга “Янги Ўзбекистон” массивларида қурилиш-монтаж ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, уларда маҳаллий замонавий қурилиш материалари ва ускуналарини кенг қўллаш орқали уй-жойларнинг нархини пасайтириш ҳамда қурувчи ташкилотлар учун қулай шарт-шaroитлар яратиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини ташкил қилишга масуъл этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж.Раматов ва Ж.А.Қўчқоров, молия вазири Т.А.Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Фармоннинг ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масуъл идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

**ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН МУҲАНДИС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛАШТИРИШ АСОСИДА ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Республикада инновацион таълим ва технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш, таълим ва ишлаб чиқаришни узвий боғлаш, олий таълим муассасалари фаолият йўналишларини тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро нуфузини ошириш, самарали бошқарув тизимини ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш мақсадида:

1. Тوشкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “**Ташкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти**” миллий тадқиқот университети (кейинги ўринларда — Университет) деб қайта номлансин.

2. Куйидагилар Университетнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

гидроэнергетика, ирригация тизимларини бошқариш, сув хўжалиги объектлари қурилиши, кадастр ва геоинформатика, “яшил иқтисодиёт”, “яшил энергетика”, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, рақамли технологиялар тармоқлари учун **олий маълумотли муҳандис кадрларни тайёрлаш**;

суғориш тизимлари самарадорлигини ошириш, **тежамкор суғориш технологияларини яратиш**, “рақамли қишлоқ хўжалиги” ва геоахборот тизимлари асосида **ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолашни йўлга қўйиш** ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишнинг такомиллашган усулларини ишлаб чиқиш;

замонавий ўқув ва **илмий-лаборатория базасини шакллантириш**, уни илгор технология асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда соҳани ривожлантиришга қаратилган **илмий-инновацион тадқиқотларни кенгайтириш ва уларнинг трансфери** бўйича самарали тизимни шакллантириш;

**экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш** соҳасидаги илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш, сув ресурсларини ҳисобга олиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, **гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишни рақамлаштириш борасида илмий ечимларни ишлаб чиқиш**;

**илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш** бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш;

**етақчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни жорий этиш**, Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, битирувчиларнинг республика ва хорижий олий таълим муассасаларида (илмий марказларда) **магистратура ва докторантура дастурлари бўйича тахсил олишларини ташкил этиш**;

ўқув жараёнини **талабаларда мустақил таълим олиш**, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан, **тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш**;

ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларини жорий этиш, таълим ва тадқиқотни **уйғунлаштириш** орқали иқтисодиёт тармоқлари учун энг илгор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш;

тасарруфидagi иختисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Белгилансинки, Университет гидроэнергетика, ирригация, мелиорация, қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологиялар, сув тежовчи суғориш технологиялари, қайта тикланувчи энергия манбалари, геодезия ва геоинформатика, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси йўналишларида кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Университет фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бошқарув кенгаши (кейинги ўринларда — Бошқарув кенгаши) ташкил этилсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бошқарув кенгашига (С.У.Умурзаков):

а) куйидаги вазифалар юклатилсин:

Университетнинг молиявий йил учун мўлжалланган **бизнес-режасини, узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини**, даромад ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг ижросини муҳокама қилиш;

Фанлар академияси илмий муассасалари ва тармоқ **илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий мактабларни ривожлантириш**;

қишлоқ ва сув хўжалиги технологиялари йўналишида таълим, илмий тадқиқот ва **ишланмалар трансфери** жараёнларини ривожлантириш ҳамда **илмий тадқиқот ва инновацион ишланмалар бўйича бюртмачилар билан манфаатли ҳамкорликни** ўрнатиш;

**илмий маҳсулотларни тижоратлаштириш**, стартап ва акселератор фаолиятларини йўлга қўйиш; таълим ва тадқиқот жараёнларига **инвестицияларни жалб этиш**, етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали алоқаларни ўрнатиш;

б) куйидаги ваколатлар берилсин:

иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда **янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш**, шунингдек, тўлов-контракт асосида ўқишга қабул параметрларини белгилаш;

ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган **хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш микдорларини** бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилаш;

Университет ва унинг тасарруфидagi таълим ташкилотлари **тузилмаларини тасдиқлаш**;

Университетнинг ташкилий тузилмасига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган **янги лавозим ва таркибий бўлинмалар ҳамда қўшимча штат бирликларини** жорий этиш.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг Университетда Трансформация офисини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Трансформация офиси куйидагилар учун масъул этиб белгилансин:

Университетни **трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш** ҳамда **2025 йилга қадар** халқаро тан олинган таъкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингидa биринчи 1000 талик рўйхатга киритиш;

Университетни танитиш бўйича миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғи ва бошқа воситалар орқали **тарғибот тадбирларини ўтказиш ва реклама қилиш**;

Университетдаги турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашда қоғоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизими ва ўқув жараёнлари, кутубхона ва хужжатлар айланмасини рақамлаштирувчи “**Рақамли Университет**” платформасига тўлиқ ўтишини таъминлаш.

Белгилансинки, Трансформация офиси раҳбари лавозими, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва микдорлари бўйича Университет проректорига тенглаштирилади.

5. Университетга 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб куйидаги ваколатлар берилсин:

а) **академик мустақиллик соҳасида: ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини касбий стандартлар асосида** тасдиқлаш, таълим тилини ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим олиш шаклини белгилаш;

илмий даражалар берувчи **илмий кенгашлар тузиш** ва уларнинг таркибини тасдиқлаш;

тегишли иختисосликларда **илмий унвон ва илмий даражаларни бериш** ҳамда республикадаги бошқа олий таълим муассасалари томонидан берилган илмий унвон ва **илмий даражаларни** тан олиш, шунингдек, докторант ва мустақил изланувчиларга **илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш**;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлар учун **таълим давомийлиги мuddатларини** белгилаш;

**докторантурада тўлов-контракт асосида ўқиш қийматини белгилаш**, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан грант ажратиш орқали **докторантурага танлов асосида квотага қўшимча равишда талабгорларни қабул қилиш**;

магистратура босқичида таълимнинг сиртки, масофавий ва кечки шаклларини жорий этиш, шунингдек, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича **қўш малакалар ҳамда касбий малакалар бериш тизимини жорий қилиш**;

ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан **ички академик мобиллиқни амалга ошириш**;

Университет ва унинг тасарруфидagi таълим муассасалари учун **ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш**;

таълим сифатини **ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш**;

б) **ташкиллий-бошқарувдаги мустақиллик соҳасида:** фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган таркибий тузилмалар, **тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш**;

педагог ва бошқа **ҳодимларни ишга қабул қилиш, ишдан озод этиш ва ички ротациясига оид тартибини** белгилаш;

хорижий давлат фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш ва **масофавий таълим олиш шаклида ўқитишни ташкил этиш**.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган ваколатлар Университет томонидан мустақил равишда қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Университетни 2022 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Бунда, Университетга ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасалари учун берилган барча ваколат ва ҳуқуқлар татбиқ этилади.

7. Куйидагилар:

2025 йилга қадар “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг **халқаро нуфузини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар** 3-иловага мувофиқ;

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети **мутахассислик кафедраларини** илмий-тадқиқот муассасалари, тармоқ корхоналари, ташкилотлари ва **муассасаларга бириктириш жадвали** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлигининг куйидаги тақлифлари маъқуллансин:

Университет ҳузурида юридик шахс макомига эга **Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти**ни ташкил этиш;

Университетнинг Бухоро филиали негизида **Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти**ни ташкил этиш;

Университетнинг Қарши филиали негизида **Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти**ни ташкил этиш;

9. Белгилансинки:

Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институтининг жорий фаолияти, бино ва иншоотлардан фойдаланиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш (илмий ходимлардан ташқари) бўйича харажатларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти Университет ҳузурида фаолият юритади;

Университетнинг Бухоро ва Қарши филиаллари талабалари тахсил олаётган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқиниш мос равишда Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институтида давом эттиради;

Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти ҳамда Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти тааллуқлиги бўйича Университетнинг Бухоро ва Қарши филиалларининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади ҳамда филиалларнинг мол-мулки ва бошқа асосий воситаларни тегишли равишда янги ташкил этилаётган институтига ўтказилади.

10. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда унинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:

минтақада мавжуд сув ресурсларини инобатга олган ҳолда ҳудудлар кесимида **суддан фойдаланиш бўйича ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган тадқиқотлар ўтказиш**;

геоахборот технологиялари асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, **тупроқ унумдорлигини оширишнинг янги усулларини яратиш**;

сунъий интеллект ва “ақлли технологиялар” бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш, маҳаллий **тупроқ, экан ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турларига мослаштирилган агротехнологиялар яратиш**;

ўсимликлар ва уларнинг яшаш муҳитини, ўсимликлар таркибидagi озука моддаларининг оптимал даражасини, **тупроқнинг макро ва микро элементларини физик-имёвий таҳлил усуллари асосида тадқиқ этиш**;

“яшил иқтисодиёт”, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда **ресурсстежамкор технологиялар бўйича тадқиқотларни ривожлантириш ва ишланмаларни яратиш**;

**электроника, мехатроника ва робототехника йўналишидаги амалий тадқиқотларни ривожлантириш**, космик аппаратлар маълумотларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

**физика йўналишлари бўйича фундаментал муаммоларни ўрганиш**, экспериментал маълумотларни қайта ишлашнинг янги моделлари ва усулларини ишлаб чиқиш.

11. Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, “А” бинаго жойлаштирилсин.

Белгилансинки, Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти биносини жорий таъмирлаш, унга туташ худудни ободонлаштириш, хизмат хоналарини мебель, компьютер, ташкилий техника ва инвентарь билан жиҳозлаш Вазирлар

Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Сув хўжалиги вазирлигини маъмурий бино билан таъминлаш чораларини кўрсин.

12. **Университет фаолиятини ривожлантириш жамғармаси** ташкил этилсин ва унинг молиявий манбалари этиб куйидагилар белгилансин:

ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини тузиладиган шартномалар асосида илмий-техник жиҳатдан таъминлаш учун Давлат бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг 5 фоизигача бўлган қисми;

иқтисодиёт тармоқларида халқаро молия институтилари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича ўзаро келишув асосида таълим, кадрлар тайёрлаш, тадқиқот ва технологиялар трансферини ривожлантириш компонентлари маблағлари;

хорижий инвесторлар билан инвестиция келишувларида назарда тутилган илмий тадқиқотлар, кадрлар тайёрлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;

кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қишлоқ, сув хўжалиги ва бошқа йўналишларда жалб этиладиган донор ташкилотларнинг грант маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бошқарув кенгашига Жамғарма маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартибини белгилаш ваколати берилсин.

13. Бошқарув кенгаши (С.У.Умурзаков):

а) **икки ой муддатда:** Бошқарув кенгаши фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Трансформация офиси раҳбари лавозимига етакчи хорижий олий таълим муассасаларида раҳбарлик иш тажрибасига эга бўлган мутахассисни жалб этсин;

Университет кафедраларининг илмий фаолиятини соҳа ва тармоқлар муаммоларининг ечимига йўналтириш мақсадида замонавий таълим йўналишларини инобатга олган ҳолда, уларни қайтадан ташкил этсин;

Университетнинг иختисослашган факультет ва кафедраларининг мос йўналишлари бўйича йирик хўжалик юритувчи субъектлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйсин;

Университет раҳбарияти, кафедралари ва таркибий бўлинмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ҳамда юқори натижадорликка эришганларни рағбатлантириб бориш тизимини жорий қилсин;

б) Университетни халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингидa биринчи 1000 талик рўйхатига киритиш бўйича мақсадли параметрларга эришилиши устидан доимий назорат ўрнатсин;

в) ўқув жараёнига хорижий профессор-ўқитувчиларни танлов асосида жалб қилиш ҳамда Университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ошириш чораларини кўрсин;

г) 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб сув хўжалиги объектлари қурилиши, гидроэнергетика, “ақлли” қишлоқ хўжалиги технологиялари ва геоинформатика каби йўналишлар бўйича хорижий давлатларнинг нуфузли олиғоҳлари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурларини ҳамда кенг қўламли фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш чорасини кўрсин;

д) 2023/2024 ўқув йилгига қадар Унверситет ҳузурида янги синов лабораторияси ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги технопаркинни ташкил этсин ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминласин.

14. Куйидагилар:

2022-2023 йилларда Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти **илмий лабораториялари моддий-техника базасини яратиш дастури** 6-иловага мувофиқ;

2022 — 2024 йилларда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетида амалга ошириладиган қурилиш ҳамда ўқув-лабораториялар **моддий-техника базасини модернизация қилиш дастури** 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У.Умурзаков белгилансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2021 йил 10 декабрь

**ЭНДОКРИНОЛОГИЯ СОҲАСИДА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ**

Давлатимиз раҳбари бу борада янги тизим жорий қилиш заруриятини таъкидлади. Эндокрин касалликларини барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади.

Унга қўра, энг аввало, оилавий ва эндокрин шифокорлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилади. Бунинг учун жойларда ташкил этилган тиббиёт бригадалари, ҳамшира кўриги хоналари ва Саломатлик мактаблари роли кўнайтирилади.

Масалан, бирламчи шифокор кўриги жараёнида 10 турдаги таҳлилни йўлга қўйиш орқали виллоят марказларига муружаатларни 50 фоизга қисқартириш мумкинлиги айтилди.

Шунингдек, эндокрин касалликларни эрта аниқлаш мақсадида келгуси йилдан 40 ёшдан ошган аҳоли йилига камида бир марта манзилли скринингдан ўтказилади. Эндокрин касаллик аниқланган аҳолининг ягона электрон реестри ишга туширилади. Ҳар бир тиббиёт бригадаси экспресс-тестлар ўтказиш учун глюкометр билан таъминланади.

Келгуси йил 1 июлдан ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар, 3 — 15 ёшдаги болаларга бепул йод препараты берилди. Қанди диабет учун метформин дорилари 200 мингдан зиёд эҳтиёжманд аҳолига бепул тарқатилади. Маҳалладаги беморлар ва диабетга мойиллиги бор аҳолига касалликни бошқариш ўргатилади.

Мутасаддиларга ушбу тизимни жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Бирламчи бўлин учун зарур мутахассисларни тайёрлаш, дорилар ишлаб чиқариш ва оилавий поликлиникалар орқали тақсимлаш чоралари белгиланади.

Йиғилишда тиббиёт муассасаларида лаборатория хизматлари кўрсатишни янги асосда йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, туманларда энг зарур лаборатория текширувларини йўлга қўйиш орқали кўрсатиладиган хизматларни 5 тадан 17 тага етказиш ва республикага муружаатларни 20 фоизга камайтиришга эришиш мумкин.

Шу муносабат билан лаборатория таҳлиллари нормативларини

мий-амалий тиббиёт марказидир. Давлатимиз раҳбари бу марказни Тошкент тиббиёт академиясининг клиникаси худудидagi янги биналарга кўчириб, фаолиятини кўп тармоқли асосда ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

Қайд этилганидек, марказда гормонал ва интервенцион хирургия, репродуктология ва эндокрин гинекология, онко-эндокринология, кардиодиабет ва интервенцион хирургия каби йўналишлар ташкил этилади. Шунингдек, 20 дан зиёд юқори технология янги амалиётлар йўлга қўйилади.

Бунинг учун Эндокринология маркази илмий-инновацион муассасага айлантирилади, илмий-тадқиқот ишларига хориждан мутахассислар жалб этилади, докторантурага квоталар 2 баравар кўпайтирилади. Марказ шифокорларининг чет элда малака ошириши таъминланади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди, шифокорлар ўз фикр ва тақлифларини билдирди.

# ЮРТИМИЗДА, АВВАЛО, БОЛАЛАР, ЁШЛАР ВА АЁЛЛАР ҲУҚУҚИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Пойтахтимизда "Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим: халқаро таъриба ва миллий амалиёт" мавзусидаги халқаро конференция ўтказилмоқда.

## Халқаро конференция

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари, ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштурувчи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари М. Бачелет, Парламентлараро

Иттифоқ Бош қотиби М. Чунгонг, ЕХТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори М. Меккачи ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашмоқда. Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нурбоева кириш сўзи билан иштирок этди.

Кайд этилганидек, давлатимиз

раҳбари томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси тасдиқланган. Унда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакат қаторига киришни таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Хусусан, гендер тенглиги таъминлаш юзасидан Олий Мажлис Сенатининг қарори билан 2030 йилга қадар мўлжалланган Стратегия қабул қилинди.

Юртимизда инсон ҳуқуқлари, аввало, болалар, ёшлар ва аёллар ҳуқуқига алоҳида эътибор қаратилаётганига барчангиз гувоҳсиз. БМТнинг бу борадаги барча тавсиясини ҳаётга татбиқ этишда давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда, — деди Сенат Раиси.

Халқаро конференцияда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия турфидеги декларацияси, шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари борасидаги Жаҳон таълим дастури доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар сарҳисоб қилинди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

## Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги

# БЕНАЗИР СЎЗ САНЪАТКОРИ

Янги Ўзбекистонда маърифатли жамиятни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бу борада олиб борилаётган ислохотларда адабиёт, санъат ва маданият ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз.

Президентимизнинг 2020 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Кахрамони ва халқ шoirи Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори нафақат шoir номини абадийлаштириш, ижодини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, балки халқимиз маънавиятини янада бойитиш, миллий гурурини ўстириш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, азалий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тўтиши билан аҳамиятлидир.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабий-бадиий кечада бу алоҳида таъкидланди.

Тадбир давомида "Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун" кўрак нишони соҳибдорларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Шунингдек, анжуман доирасида инсон ҳуқуқлари борасидаги илгор хорижий таъриба, амалиёт ва инновацион ёндашувлар тақдироти ўтказилди ҳамда таълим-тарбия тизимини халқаро, минтақа ва миллий даражада янада такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиладди.

# ҲАР БИР МАСАЛА ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛЯПТИ

Аввал хабар берилганидек, шу йил 15 декабрь куни Олий Мажлис Сенатининг йигирма иккинчи ялпи мажлиси ўз ишینی бошлади. Икки кун давом этадиган мазкур мажлисда юртимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада юксалишига хизмат қиладиган қатор қонунлар ва бошқа долзарб масалалар муҳокама этилиши режа қилинган. Айни кунларда бўлиб ўтаётган парламент қорори палатаси кўмиталари ййгилишларида ҳар бир масала чуқур таҳлил назаридан ўтказилмоқда.

## Сенат ялпи мажлиси олдидан

### Масъуллар болаларни ҳимоя қилиш борасидаги ишлар юзасидан ахборот берди

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг ййгилишида сенаторлар, экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар масъуллари, Ёшлар парламенти ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Унда "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида"ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йил тўққиз ойидаги ижроси муҳокама этилди.

Шу масала юзасидан Молия вазирлиги масъуллари томонидан ййгилиш иштирокчилари учун семинар ўтказилиб, Давлат бюджетни бўйича қилиб тушган саволларга атрафлича жавоб берилди.

Ййгилишида 2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун уй-жой харид қилишнинг мақсадли параметрлари доирасида олиб борилган ишлар ҳам худудлар кесимида кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-

тадбирлари тўғрисида"ги қарори мақсадли параметрларига асосан, 2021 йил давомида республика бўйича жами 757 нафар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун уй-жой харид қилиш белгиланган. Шу мақсадлар учун жами 120 млрд. 687 млн. сўм маблағ республика ҳамда маҳаллий бюджетдан ажратилиши режалаштирилган.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси масъуллари ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши котибиятлари мудирилари, шунингдек, худудлардаги болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибиятлари мудирилари сўзга чиқиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан атрафлича ахборот берди.

Муҳокама қилиш жараёнида сенатор ва экспертлар томонидан етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича доимий парламент назорати ўрнатилиши маълум қилинди.

### Оролбўйи ҳудуди ўқувчилари бепул тушилик билан таъминланади

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси ўтказган ййгилишида дастлаб "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғр-

сида"ги қонун хусусида атрафлича маълумот берилди.

Унда келтирилганидек, келгуси ййилда Қорақалпоғистон Республикаси бюджет даромадлари 2 356 млрд., харajatлари эса 3 874 млрд. сўм эканлиги ҳамда мазкур ҳудуднинг бюджетига Республика бюджетидан 1 518 млрд. сўм ажратилиши кутилмоқда.

Шу жумладан, 2022 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти умумтаълим мактаблари бошланғич синфларида таҳсил олаётган ўқувчиларни бепул тушилик билан таъминлаш учун Давлат бюджетидан жами 200 млрд. сўм ажратилиши режалаштирилган. Шу боис ҳам ушбу масала сенаторлар томонидан маълумланди. Негати, Орол денгизи қуриши ҳисобига вужудга келган нуқсонли экология шaroитида яшаётган ўғил-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш айнни муддаридир.

Ййгилишида Оролбўйини ривожлантириш тадбирлари доирасида 2021 йилда 102 та объектга 200 млрд. сўм ажратиш кўзда тутилган бўлиб, шу жумладан, ййл охиригача Қорақалпоғистон Республикасидаги 63 та объектга 92 млрд. сўм ҳамда Хоразм вилоятидаги 39 та объектга 92 млрд. сўм маблағ ййналтирилиши кайд этилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ажратилмайдиган ушбу маблағлар эвазига ййл якунига қадар 120с ўшари ва туман марказларидаги 120с кўп хонадонли ўйлар том қисмида реконструкция ишлари бажарилиши ҳамда

28 та тоза ичимлик суви ва оқова сув таъминоти объектиларга 125,2 км. ичимлик ва оқова сув тармоқлари янгидан қурилиши ва реконструкция қилиниши кўрсатиб ўтилди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижроси ҳам кўрилди. Жумладан, 2020 йил 11 ноябрдаги "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорига мурофий, 1 минг 359 та лойиҳа доирасида 12 трлн. 259,1 млрд. сўмлик кенг кўламли ишлар бажарилиши ҳамда 17 минг 259 та янги иш ўрни яратилиши белгилангани айтилди.

Мухими, жорий йил 1 декабрь ҳолатига кўра, 8 трлн. 846,2 млрд. сўмлик 1 минг 65 та лойиҳа ишга туширилган ва пировардида 8 минг 372 та янги иш ўрни ташкил этилган. Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан шароити оғир 45 та маҳалла ва овудда хизмат кўрсатиш соҳасида 74 та тадбиркорлик субъекти очилган.

Сенаторлар шу каби ютуқлар билан бирга айрим муаммолар масалалар борлигига ҳам эътибор қаратдилар.

Ййгилишида 2022 — 2026 йиллар давомида Хоразм вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган 98 та маҳаллада мақаллаблай ишлаш тизимини ййлга қўйиш учун 200 млрд. сўм, аҳолини тадбиркорликка ўқатиш ҳамда шу каби лойиҳаларни амалга ошириладиган нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун 50 млрд. сўм миқдорда кредит ресурсларини ажратиш кўзда тутилганига ҳам ургу берилди.

Ййгилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан парламент қорори палатаси кўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ (Халқ сўзи).

# КОНСТРУКТИВ ФИКРЛАР, ЎРИНЛИ ТАКЛИФЛАР ВА МАВЖУД МАУАММОЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор қонун лойиҳалари қизгин муҳокама қилинди. Конструктив фикрлар, ўринли саволлар ўртага ташланди, асосли тақлифлар илгари сурилди. Шунингдек, парламент сўрови юзасидан тегишли вазирликларнинг жавоблари кўриб чиқилиб, айримларига фаолият йўналишидан келиб чиқиб парламент сўрови юборилди.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### Депутатлардан фаоллик талаб этилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси ноҳаянча бошланди. Кун тартибидagi масалалар қўрилишидан олдин дастлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат маъияси янгради. Зеро, 10 декабрь истиклол ва миллий гуруримиз тинимсоли бўлган маъиямиз қабул қилинган кундир.

Ушбу жонаҳон Ватанимизнинг бирдамлик қўшиғида халқимизнинг азалий ва абадий хоши-иродаси, теран тафаккури, ййлар давомида истиклол ва истиклол ййлида, фанимларга қарши курашларда сўнмаган ор-номуси, ўз қади ва қадрини банд тутиб юриш кунда таянч ҳамда сўнч манбаи бўлиши буюк ва муқаддас мустақил Ватан барпо қилиш гоёси акс этган.

Мажлисида депутатлар шу кезларда халқимиз ва кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш билан ўрганилаётган дастуриламал ҳужжат — Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганнинг 29 ййлиги муносабати билан халқимизга ййўллаган табриги мазмун-моҳиятига яна бир бор эътибор қаратди.

Халқ вакиллари 10 декабрь — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган кун муносабати билан ушбу мавзуга ҳам алоҳида тўхталиди. Таъкидланганидек, сўнги ййларда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси тасдиқланди, Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича Парламент комиссияси тўзилиди. Мазкур комиссия бугунги кунда мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ва Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси амалга оширилиши устидан парламент назоратини амалга ошириб келмоқда.

Мажлисида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг қадр-қиммати янада самарали таъминлаш борасида қилиниши керак бўлган ишлар, устувор вази-

рларга тўхталиб ўтилди. Бу борада ҳам депутатлар фаоллик билан ўз муносабатларини билдирди.

### Автомототранспорт воситаларини ижарага бериш соҳасидаги муаммо қачон ҳал бўлади?

"Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 565-моддасига ўзгартиш ва қўшимча қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси халқ вакиллари томонидан биринчи ўқилишда кўриб чиқилди.

Амалдаги қонунчилик автототранспорт воситаларини ижарага бериш шартномалари нотриал тасдиқлашни талаб этади. Бу автототранспорт воситаларини ижарага бериш соҳасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ортиқча овозгарчилигини келтириб чиқармоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан автототранспорт воситалари электрон савдо платформаси орқали ижара берилганича, шартномани нотриал тартибда тасдиқлаш талаби бекор қилиняпти. Бу каби шартномалар оддий ёзма шаклда тўзилиши мумкинлиги белгилаб берилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳаси қабул қилиниши билан автототранспорт воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ муносабатлар енгиллашади, ижара бозори ривожланади. Шунингдек, автототранспорт воситаларини ижарага бериш соҳасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ортиқча овозгарчилиги, бюрократиянинг олди олинди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Қонун лойиҳаси қайта номланди

Депутатлар янги ном билан кирган — "Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзе-

бекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқилишда батафсил қўриб чиқдилар.

Тақлиф этилаётган ушбу ҳужжат биринчи ўқилишда "Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимини кўриб чиқиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ном билан киритилган эди. Лойиҳадagi норма-лар бюджет тизимини кўриб чиқиш тартиби эмас, балки бюджет жараёни такомиллаштирилиши белгиланаётгани муносабати билан ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ўзгартирилди.

Қонун лойиҳаси билан Давлат солиқ кўмитаси ҳамда Давлат божхона кўмитаси солиқ ва божхона имтиёз-лари рўйхатини, тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни солиқ тўловчилик кесимида ўз расмий веб-сайтлари-га белгиланган муддатларда узлуксиз жойлаштириб бериш белгиланмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Молия вазирининг жавоби қандай баҳоланди?

Халқ вакиллари "Давлат органлари харажатларининг шаффофлигини таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратини кўнгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги масала юзасидан юборилган қуйи палатанинг парламент сўровига молия вазири Т. Ишметовнинг жавобини кўриб чикди.

Парламент сўровига жавобда қайд этилганидек, жорий йилда "Очиқ бюджет" ахборот порталининг янги талқини фуқароларга тақдим этилди. Барча бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари кесимида ажратилган бюджет маблағлари ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни тўғридан-тўғри кузатиб бориш, "ташабуслни бюджет" жараёнида иштирок этиш учун ўз тақлифларини (батафсил кўринишда) қолдириш ёки овоз бериш имконияти яратилди.

Шунингдек, ҳар чорак якунлари бўйича давлат қарзининг ҳолати ва ўзгартиши тўғрисидаги маълумотлар вазирликнинг расмий веб-сайти ҳамда "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали фуқароларга тақдим этиб келинмоқда.

Бугунги кунда давлат харидларида инсон омилни иштирокчини қамайтириш, харид жараёнларини рақамлаштириш юзасидан харид тартиб-таомилларини амалга оширишнинг электрон дўкон ва бошлан-

ич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион каби турлари тўлиқ электрон шаклда ўтказилмоқда. Уз навобатда, тадбиркорликни янада қўллаш мақса-дида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларининг товарлари (ишларни, хизматларни) харид қилиш бўйича суммаси бир миллиард сўмга-ча тўзиладиган шартномаларида 30 фоиз миқдори-да олдиндан тўловни амалга ошириш тартиби бел-гиланди.

Мажлисида парламент сўровига юборилган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

### Халқ вакиллари тақдим этилган маълумотлардан қоникдимми?

Мажлисида депутатлар "Малакага эга бўлган шахсларнинг миллий реестрини, касбий стандартларнинг миллий реестрини, малакани баҳолаш марказларининг реестрини шакллантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги масала юзасидан юборилган Қонунчилик палатасининг парламент сўровига бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг жавобини кўриб чиқдилар.

Қайд этилганича, касбий малакани баҳолаш бўйича фаолият билан шугулланувчи юридик шахслар реестрини ҳамда тасдиқланган малакага эга шахслар миллий реестрини қўришти бўйича "www.malaka.mehnat.uz" ягона очик ахборот тизимини 2021 йил якунига қадар тўлиқ ишга туширилади. Шунингдек, вазирлик томонидан Тошкент шаҳри ва худудлардаги 14 та "Ишга марҳамат" мономарказларида 56 та штат бериладиган иборат малакани баҳолаш марказлари ташкил этилди. Вазирлик тизимидagi 14 та малакани баҳолаш марказларининг 17 та касб турлари бўйича экспертлар малакиси оширилди.

Жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб "www.prof-standard.uz" касбий стандартларнинг ягона очик портали ишга туширилди. Унда касбий стандартларнинг реестри ва улар матнларининг амалдаги тақрирлари билан эркин танишиш, иш бериувчилар ва мутахассислар томонидан касбий стандартларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ташаббус қўрсатиш, "очик майдонга" тамойили асосида ва реал вақт режимида янги касб стандартларини ишлаб чиқиш, амалдаги янги такомиллаштириш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Таъкидланишича, "2021 йилга мўлжалланган касбий фаолиятнинг устувор йўналишлари бўйича касбий стандартларини ишлаб чиқиш режа-традиги"га асосан 28 та тармоқ кенгашлари томонидан 2021 йил якунига



қадар 798 та касбий стандартлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш белгиланган.

Мажлисида ушбу соҳада олиб борилган ишлар қўламини янада кенгайтириш бўйича қатор тақлифлар илгари сурилди, парламент сўровига юборилган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

## Бош вазир ўринбосарига парламент сўрови юборилди

Мамлакатимизда COVID-19 пандемияси даврида иқтисодий тизимизда ўсиш суратларини сақлаб қолиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалаларини ижобий ҳал этишда хизматлар соҳасининг ўрни гоият муҳимдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 11 майдаги "Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур соҳани ривожлантиришда муҳим кадам бўлди.

Ушбу ҳужжат хизматлар соҳасининг мамлакатимиз иқтисодий ўсиши қўлайитириш, жойларда соҳада мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, ўз ечимини қутаётган муаммолар масалаларни ҳал қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Чўнғичи, мазкур қарорда мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари аниқ вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, иқтисодий ўсиши таъминлашда хизматлар соҳасини муҳим драйверга айлантириш, 2023 йилга қадар хизматлар ҳажимини икки бараварга ошириш, аҳолига тайёр бизнес режалар ва лойиҳалар тақдим этиш, уларни қасбга ўқитишдан то тадбиркорлик фаолиятини ййлга қўйишга қадар божчиликларни қамраб олувчи "комплекс хизматлар" кўрсатишини ташкил этиш назарда тутилган.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Тадбиркорлар ва ишбиланмонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ҳамда Санот, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси ташаббуси билан Бош вазир ўринбосари — иқтисодий тарққчи ва камбағалликни қисқартириш вазири Қ. Кўчқоровга "Мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш йўналишида амалга ошириладиган ишларнинг ҳолати тўғрисида"ги Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги қарори қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ (Халқ сўзи).

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма G — 1248. 28 151 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.  
Мусахҳчи — Ш. Машраббеков.

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ISSN 2010-6784

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.  
Босмахона телефони: 71-233-11-07.